

УДК: 612.1/.8 613.6.02.

## БУХОРО ВИЛОЯТИДА БОЛАЛАРДА ТИШЛАР КАРИЕСИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

**Рахматова Дилнора Саиджоновна**

Бухоро давлат тиббиёт институти болалар стоматологияси кафедраси  
ассистенти. Ўзбекистон, Бухоро шаҳри

### **АННОТАЦИЯ**

*Дунё миқёсида болалар орасида кариес касаллиги диагностикаси, даволаши ва профилактикаси, беморларга стоматологик ёрдам кўрсатишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиши бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Болалар ёшида тиш қаттиқ тўқималари касалликлари орасида энг кенг тарқалган сурункали касаллик кариес бўлиб ҳисобланади.*

***Калит сўзлари.** кариес касаллиги, тиш қаттиқ тўқималари, стоматологик ёрдам, Бухоро вилояти.*

## АНАЛИЗ ЗАБОЛЕВАЕМОСТИ КАРИЕСОМ ЗУБОВ У ДЕТЕЙ В БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ

**Рахматова Дилнора Саиджоновна**

ассистент кафедры детской стоматологии Бухарского государственного  
медицинского института. Город Бухара, Республики Узбекистан.

### **АННОТАЦИЯ**

*В мировом масштабе проводятся исследования по диагностике, лечению и профилактике кариеса у детей, разработке эффективных методов оказания стоматологической помощи пациентам. Кариес является наиболее частым хроническим заболеванием среди заболеваний твердых тканей зубов у детей.*

***Ключевые слова.** кариес, твердые ткани зубов, стоматологическая помощь, Бухарская область.*

## ANALYSIS OF THE INCIDENCE OF DENTAL CARIES IN CHILDREN IN BUKHARA REGION

**Rakhmatova Dilnora Saidjanovna**

Assistant of the Department of Pediatric Dentistry, Bukhara State Medical Institute  
Bukhara City.

**ANNOTATION**

*On a global scale, research is being conducted on the diagnosis, treatment and prevention of caries among children, and the development of effective methods of providing dental care to patients. Caries is the most common chronic disease among dental hard tissue diseases in children.*

**Keywords:** *caries disease, dental hard tissues, dental care, Bukhara region.*

Дунёдаги кўплаб тадқиқотчилар “кариес касаллигига сабабчи омиллар: эмбрионал даврда одонтогенезнинг тугалланмаслиги, сунъий озиклантириш, экологик омиллар, тиш чиқиш муддатлари, ирсий мойиллик, инфекция касалликларга эрта чалиниш, қониқарсиз оғиз бўшлиғи гигиенаси, организмга фтор миқдорининг кам ўзлаштирилиши ва углеводларнинг ортиқча истеъмолнинг натижаси эканлигини таъкидлашмоқда.

ЖССТ эпидемиологик тадқиқот маълумотларига кўра мактаб ёшидаги болаларнинг 80% игача тиш кариеси ва унинг асоратларининг кенг тарқалиши бугунги кунга қадар ишлаб чиқилган ва қўлланилиб келинаётган даво-профилактика усуллариининг паст самарали эканлиги таъкидланган [8]. Бу эса ушбу муаммони тиббий-ижтимоий аҳамиятини оширади.

Жаҳон статистикасининг кўрсатишича, 3,5-4 ёшли болаларнинг сут тишлари кариеси тиш қаттиқ тўқималари кариеси синфига мансубдир [1].

Бугунги кунда замонавий стоматология назарияси ва амалиёти жадал ривожланаётганига қарамай, турмуш даражаси ўртадан юқори ва юқори бўлган жаҳон мамлакатлари шароитида тиш касалликлари ва паталогиялари муаммоси ҳанузгача энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолавермоқда. Хусусан, статистик рақамлар иқтисодий барқарорликдаги мамлакатлардан тортиб турмуш даражаси паст бўлган мамлакатлардаги кўрсаткичлари 1-98% орасида бўлади [2].

Уч ёшгача бўлган ёш болаларда кариеснинг тарқалганлиги 1% дан 30% гача бўлиб, унинг энг катта кўрсаткичлари Европа мамлакатларида (ўртача 32%) кузатилади. Швейцарияда уч ёшгача бўлган болаларда тиш кариесининг тарқалганлиги 24,5% бўлса, ушбу статистик параметрнинг Польшадаги кўрсаткичи 55% дан ошиқдир; АҚШда бу статистик параметр 9-75% оралиғида [3], Яқин Шарқ мамлакатларида 22-61% оралиғида кузатилади [4].

Юқоридагилардан, кичик ёшдаги болаларда (6 ёшгача) тиш кариесининг вужудга келиши бир эмас, балки бир нечта этиологик ташкил этувчисига эга эканлиги келиб чиқади. Шунинг учун кариес этиологиясини бутун аҳоли миқёсида таҳлил этиш зарур. Ичимлик сувидаги фторнинг кичик концентрацияси, яъни унинг миқдорий камлиги катталардан болаларнинг парҳезига фторга бой маҳсулотларни киритишни талаб қилади. Тавсифлаб ўтилган мазкур омиллар уларга нисбатан мос терапия ва профилактика тизимларини танлаш ва уларни жорий қилишни тақозо этади.

**Анъанавий тиббиёт, хусусан, стоматология доирасида парҳезнинг бузилиши кариесни келтириб чиқарувчи асосий омил сифатида қаралади ҳамда кариеснинг ривожланаётганлигидан далолат берувчи белгилар қаторига уни келтириб чиқарувчи углеводли қолдиқлар ва шу қолдиқларда ривожланиб кўпаювчи, тиш қаттиқ тўқимасининг кариесини келтириб чиқарувчи микроорганизмлар киритилади [5].** 1970-1980 йилларда нашр этилган бир қатор илмий ишларда, юқоридаги омиллар сафига вақт ҳам алоҳида омил сифатида киритилган, зеро вақт ўтиши билан тиш қаттиқ тўқимасининг “ресурси” камайиб боради. 1966 йилдан 2002 йилгача R. Harrisetal томонидан ўтказилган халқаро адабиётларни мунтазам кўриб чиқиши орқали, болалар орасида эрта ёшда кариес ривожланишининг 106 та хавф омиллини аниқлади [3]. Уларни 6 гуруҳга ажратди: микробли, гигиеник, парҳезли, болани сут билан эмизиш, социал-демографик, ташқи омиллар ва бошқалар.

Оғиз бўшлиғини гигиенасининг ўзига яраша бўлиши, оғиз бўшлиғида яллиғланиш жараёнларининг бошланиши учун асос бўлиши мумкин бўлиб, [9], ёш болаларда айнан шу яллиғланиш жараёнлари турли психоневрологик беқарорликлар (асабийлашувчанлик, уйқусизлик ва ҳ.к.) ни келтириб чиқариши мумкин. [7] Бундан ташқари, узоқ вақт давомида амалга оширилмаган тиш профилактикаси сурункали инфекциянинг ривожланишига сабаб бўлиши [7], бу эса, авваламбор, нохуш ижтимоий ва иқтисодий оқибатларга эга бўлиши мумкин. Стоматология амалиётида тез-тез учраб турадиган номувофиқ окклюзия (тишларнинг ўзаро контактининг бузилиши), энг аввало, тишларнинг эрта йўқотилиши туфайли келиб чиқади. Окклюзиянинг бузилиши одамнинг дикцияси бузилиши ва унда турли нотўлақонлик ҳислари(комплекслари)нинг пайдо бўлишига сабаб бўлади [2].

**Тадқиқотнинг мақсади.** болаларда тишлар кариесини олдини олиш ва мажмуавий даволаш усуллари асослашдан иборат.

**Тадқиқот материали ва методи.** Тадқиқотнинг асоси сифатида йиллик статистик ҳисоботлар ва икки эпидемиологик статистик кўриклар натижаларига

кўра (2018-2020 йиллар) Бухоро вилояти аҳолиси орасида тиш кариесининг тарқалиши ва унинг жадаллигини мажмуавий ўрганиш, жорий этилишида бевосита ва билвосита натижаларининг таҳлилини амалга ошириб, тиш кариесининг индивидуаллашган профилактика дастурларини ишлаб чиқиш танлаб олинган. Қўйилган мақсадни амалга оширишда:

3 йиллик давр мобайнида Бухоро вилоят шаҳар ва туманлари аҳолисида тишлар кариеси тарқалганлиги ва жадаллигининг мониторинги;

- индивидуал профилактик дастурни ишлаб чиқиш ва унинг болалар ва ўсмирлар орасида жорий этилганлигидан кейинги клиник самарадорлигини баҳолаш амалга оширилди.

Шаҳар ва туманда тишлар кариесининг тарқалганлиги динамикаси ва жадаллигининг тенденцияларини аниқлашда бу кўрсаткичларнинг шаҳар ва қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг 3 асосий (6-9, 10-12, 13-15) ёш категорияларидаги ўртача кўрсаткичларини ҳисобланди ва 3 йиллик давр мобайнидаги фарқларнинг ишончилигини баҳоланди.

Кўриклар туманлар ЖССТнинг (ЖССТ, 1997) мезонлари бўйича баҳолаш услубларига олдиндан тайёрланган мутахассислар билан биргаликда Бухоро давлат тиббиёт институтининг болалар стоматологияси кафедрасида бажарилган. Кўрик натижалари ягона қайд карталарига киритилиб, махсус компьютер дастури ёрдамида таҳлил этилиб статистик таҳлил базасини яратишга имкон берди. Жами 2018 йилда 4181 киши ва 2020 йилда 4955 кишининг эпидемиологик стоматологик кўрикнинг кўрсаткичларини таҳлил қилинди. Барча ёш гуруҳларидаги миждозлар учун профилактика дастури болалар ва катталарнинг оғиз бўшлиғи, тишларнинг назорат қилинадиган тозаланиши, гигиена воситаларининг танланиши бўйича тавсиялар, тишларнинг малакали тозаланиши, фторли ва минераллаштирадиган воситаларнинг қўлланилиши, тишлардаги чуқурчаларнинг герметизацияси (кўрсатмалар бўйича), кейинги ташрифнинг вақти бўйича мустақил гигиена парвариши борасида ўқитишни қамраб олади. Муолажалар мажмуаси ҳар бир миждознинг оғиз бўшлиғи ҳолатига боғлиқ равишда индивидуал танланиб, алоҳида танланган вақт оралиғида бажарилган. Болаларда вақт оралиғини танлаш тамойили бошланғич кариеснинг фаол босқичдаги манбаларининг борлиги биринчи (M1) ва иккинчи (M2) доимий тишларнинг чиқишига чайнов юзасининг ҳолати M1 (M2), бола ва ота-оналар дастурида иштирок этиш даражасига асосланган.

Бизнинг тадқиқотимизда эрта болалар кариеси (68 қиз ва 66 ўғил бола) мавжуд бўлган Бухоро вилояти ҳудудида яшайдиган 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 134 бола иштирок этган (1-жадвал).

Мижозларнинг тадқиқотга жалб қилиниши:

- 6 - 15 ёш;
- беморда эрта ёшдаги кариес бор, унинг ташхиси клиник жиҳатидан тасдиқланган;
- беморда унинг фаолиятини чеклайдиган ва ҳаётга хавф туғдирадиган бирлашган тизимли патологиянинг декомпенсациялашган шакллари йўқлиги (ASA I-II);
- клиник текширувда иштирок этиш ва шахсий маълумотлардан фойдаланишга ёзма асосли расмий розиликнинг мавжудлиги.

Истисно қилиш мезонлари:

- 6 ёшдан кичик ва 15 ёшдан катта
- фаолликни чеклайдиган ва ҳаётга хавф туғдирадиган оғир тизимли патологиянинг мавжудлиги (ASA III-V);
- клиник текширувда иштирок этиш учун маълумотли розиликнинг йўқлиги;

Тадқиқот текшируви – шу болалар гуруҳи орасида стоматологик ёрдам сифатини яхшилаш ва тиш кариесининг камайишига эришиш учун, эрта ёшдаги кариесни патогенетик даволашга услубий ёндашувларни режалаштириш.

### 1-жадвал.

#### Болалар гуруҳининг жинсига қараб тақсимланиши

Гуруҳ	Асосий гуруҳ		Таққослаш гуруҳи		Ҳаммаси	
	n	%	n	%	n	%
1	17	12,7	19	14,2	36	26,9
2	22	16,4	26	19,4	48	35,8
3	29	21,6	21	15,7	50	37,3
<b>Жами</b>	68	50,7	66	49,3	134	100,0

Беморларни кейинги кузатув дарҳол ва узоқ муддатларда (даволашдан олдин, даволаш бошланганидан 6 ойдан кейин) ўтказилди.

**Тадқиқот ишининг натижалари.** Болаларда кариес ривожланиши динамикаси тўғрисидаги ҳолисона тасаввур ушбу тиш касаллигини клиник диагностика қилиш ва даволаш бўйича республика ва минтақавий кўламдаги дастур ва методикаларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Кариеснинг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисидаги бир қатор саволлар негизида муайян клиник параметрик мезонлар ётади, ва шу мезонларни

шакллантиришга қаратилган тадқиқотларнинг асосий мақсади – тиш қаттиқ тўқималари кариеси ривожланишининг этиологияси, патогенези ва клиник диагностикаси, ҳамда профилактикаси бўлади. Айни пайтда кўп сонли тадқиқотларга қарамасдан ҳозиргача Бухоро вилоятининг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси болалари ўртасида кариеснинг жадаллиги шунингдек бу кўрсаткичларнинг яшаш минтақасидаги ичимлик сувида фториднинг концентрацияси даражасига боғлиқлиги ҳақида аниқ жавоб йўқдир.

Демографик маълумотлар. Ўзбекистон Республикасининг статистика давлат қўмитасининг маълумотларига қараганда республикада аҳоли сони 2020 йил январь ҳолатида 32,3 миллионни, Бухоро вилоятида 1,9 миллионни ташкил этган.

Бухоро вилояти аҳолисининг ёш-жинс таркиби.

50,1% (962 минг) ни эркеклар ва 49,9% (961 минг) ни аёллар ташкил этади.

Аҳолининг ёш таркиби (2-жадвал.)

Вилоят аҳолисининг ўртача ёши - 28,5 года.

**2-жадвал**

**Турли ёш гуруҳларида аҳолининг (минг киши) сони (2020 йил январь)**

Ёши, йил	Болалар		Катталар			
	0-15	%	14-60	%	60 ва ундан катталар	%
Сони, минг.	576.0	30,1	1.164.0	60,5	180.0	9.4

**Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбати**

709.6 минг. (36,9%) киши шаҳарларда яшайди, 1,214 млн. киши (63,1%) қишлоқ жойларда яшайди.

Шаҳарлар ва қишлоқларда турли ёш гуруҳларидаги (6, 12, 15 ёш) болалар кўриқдан ўтказилган (3-жадвал). Ўғил болалар кўриқдан ўтганларнинг 50,7%ини, қиз болалар – 49,3% ни ташкил этган.

**3-жадвал**

**Асосий ёш гуруҳларида кўриқдан ўтказилган шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг сони**

Ёши	Кўриқдан ўтганларнинг умумий сони	Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси	
		мутлақ	%	мутлақ	%
6-9	1200	956	79,6%	244	20,4%
10-12	1302	1036	79,6%	266	20,4%
13-15	1222	988	80,9%	234	19,1%

Шаҳарларда 12 ёшли ўсмирлар орасида пародонт тўқимасининг зарарланиши белгиларининг тарқалганлиги анча пасайди. Мазкур кўрсаткичнинг сезиларли ошиши фақат Бухоро шаҳрида ва Жондор туманида эҳтимол туман аҳолисининг вилоят марказиги катта миқдорда келиши натижасида кузатилган.

Бу кўрсаткичнинг сезиларли ўсиши фақат Бухоро ва Жондор туманида кузатилди, эҳтимол бу туманлар аҳолисининг вилоят марказига кўплиги билан боғлиқ.

**4-жадвал**

**Бухоро вилояти шаҳар ва туманларида 12 ёшли болалар орасида тишлар кариесининг жадаллиги.**

Ёши , йил	йил	Бухоро ш.	Қогон ш.	Бухоро	Олот	Қорақўл	Жондор	Ромитан	Пешку	Вобкент	Шофиркон	Ғиждувон	Қогон	Қоровулбозор
12	2018	3,59	3,48	2,95	4,43	3,42	3,73	2,43	2,90	2,24	1,66	2,58	2,44	3,20
	2020	2,45	3,22	2,62	1,42	1,95	1,98	2,41	2,88	3,23	1,44	3,24	2,93	2,25

**5-жадвал**

**Бухоро вилояти шаҳар ва туманларида 12 ёшли болалар орасида пародонт тўқималарнинг зарарланиши белгиларининг тарқалганлиги**

Ёши, йил	йил	Бухоро ш.	Когон ш.	Бухоро	Олот	Қорақўл	Жондор	Ромитан	Пешку	Вобкент	Шофиркон	Ғиждувон	Когон	Қоровулбозор	
12	2018	66	84	62	40	94	88	67	48	28	82	88	86	53	
	2020	96	85	8	35	65	92	65	46	20	74	36	67	23	
		Пасайиш томон													
		Кўпайиш томон													

6 ва 7 жадвалларда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси орасида асосий стоматологик касалликларнинг тарқалганлиги ва жадаллигининг қиёсий маълумотлари тадқим этилган.

**6-жадвал**

**Бухоро вилояти шаҳар ва туманларида тишлар кариесининг тарқалганлиги ва жадаллигининг ўртача кўрсаткичлари**

Ёш	Аҳоли пункти			
	Шаҳар		Қишлоқ	
	%	КПОт	%	КПОт
6 ёш (вақтинчалик тишлар)	84	4,70	83	4,75
6-9 ёш (доимий тишлар)	16	0,30	11	0,27
10-12 ёш	71	2,41	71	2,50
13-15 ёш	84	3,77	82	3,87



7-жадвал

**Бухоро вилояти шаҳар ва туманларида пародонт тўқимасининг зарарланиши белгиларининг тарқалганлиги ва жадаллигининг ўртача кўрсаткичлари**

Ёш	Аҳоли пункти	
	Шаҳар	Қишлоқ
	%	%
12 ёш	44	36
15 ёш	45	40

Тиш қаттиқ тўқимасининг кариес шикастланиши топографик мезонларга деярли боғлиқ эмаслигини 6-жадвалдан кўриш мумкин. Шаҳар ва урбанизациялаштирилган минтақаларида болаларда кариеснинг тарқалганлик даражаси шаҳардан узоқда (туман ва қишлоқларда) яшайдиган болаларга қараганда жузъий даражада камлиги шаҳар ва шаҳарлаштирилган минтақаларда стоматологик ёрдам кўрсатиш пунктлари (стоматологиялар, поликлиникалар ва ҳ.к.)нинг кўплиги билан боғлиқ.

Шундай қилиб, тишлар кариесининг жадаллигини таҳлил қилишда қишлоқ болаларида уларнинг шаҳарлик тенгдошларига қараганда вақтинчалик тишларда ҳам доимий тишларда ҳам кариеснинг янада юқори кўрсаткичлари тенденцияси қайд этилди.

**Хулоса.** Бухоро вилоятининг шаҳар ва қишлоқ жойларида яшовчи 6 ёшли болаларда вақтинчалик тишлардаги кариес интенсивлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, КПО кўрсаткичлари ( $3,75 \pm 0,19$  ва  $3,79 \pm 0,20$ ) кўрсаткичларида сезиларли фарқлар йўқ. Қишлоқ аҳолиси болаларида “К” компонентининг қиймати сезиларли даражада юқори ( $p < 0,001$ ) ва “П” компоненти шаҳар тенгдошларига қараганда паст эди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. D S. Rakhmatova The significance of preventive examination of dental diseases in school-age children. Collection of articles International scientific and practical Conference." Topical issues of dentistry. 2018. 45-49 p.
2. Байкова О.И., Константинова Д.И., [изучение содержания фтора в чае методом прямой потенциометрии в связи с профилактикой кариеса и флюороза](#) /В сборнике: Актуальные проблемы биологической и химической

- экологии Сборник материалов VI Международной научно-практической конференции. Ответственный редактор Д.Б. Петренко. 2019. С. 251-254.
3. Кургузов А.О. Значение комплаентности в профилактике кариеса у ортодонтических пациентов актуальные проблемы экспериментальной и клинической медицины - /Материалы 76-й международной научно-практической конференции молодых ученых и студентов. Волгоград, 2018. С. 229.
  4. Шаковец Н.В. профилактике кариеса зубов у детей раннего возраста //Международные обзоры: клиническая практика и здоровье. 2019. [№ 1](#). С. 31-43.
  5. Брусницына Е.В., Канторович А.Я., Закиров Т.В. Роль фторидсодержащих зубных паст в профилактике фиссурного кариеса у детей //Стоматология. 2017. Т. 96. [№ 6-2](#). С. 51-52.
  6. Miletic I. Особенности реминерализации твердых тканей зуба при профилактике и лечении кариеса dental forum. 2018. [№ 4](#). С. 77.
  7. Соловьева Ж.В., Адамчик А.А. Эффективность применения глубокого фторирования в профилактике кариеса эмали //Кубанский научный медицинский вестник. 2018. Т. 25. [№ 2](#). С. 135-139.
  8. Кравчук И.В. Метод Глубокого Фторирования В Профилактике Кариеса Зубов В сборнике: [БГМУ: 90 лет в авангарде медицинской науки и практики](#) Сборник научных трудов. Под редакцией А.В. Сикорского, О.К. Кулаги. Минск, 2014. С. 134-137.